# СУҒОРИШ ТАРИХИГА ДОИР ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ҚАРАШЛАР

*Комилов О. Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар (1951-1990). Монография. -Т.: Akademnashr, 2016.-336 б.*

Ўзбекистоннинг тарихан табиий ва қуруқ иқлим шароитида жойлашгани суғорма деҳқончилик республиканинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллардан бирига айланганидан далолат беради. Негаки, мамлакат асосан аграр соҳага ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда республикадаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийб 95 фоиздан ортиғи сунъий суғориладиган майдонларда етиштирилмоқда. Шу сабабдан ҳам мамлакат аграр сиёсатида қишлоқ хўжалик истеъмолига киритиш мумкин бўлган ерларни суғориш, ўзлаштириш ва уларнинг мелиорациясини тубдан яхшилаш долзарб аҳамият касб этади. 2013 йил апрелида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши суғориш соҳасининг ҳозирда нечоғли аҳамиятли эканлигидан дарак беради.

Доцент Ойбек Комиловнинг «Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар (1951-1990)» монографияси республика ирригация-мелиорациясининг совет давридаги аҳволи, сув иншоотларини барпо этиш ва қўриқ ерларни ўзлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, бу уринишларнинг пахта яккаҳокимлиги таъсирида амалга оширилгани, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири каби масалаларни ҳаққоний ёритиб беришга бағишланган бўлиб, нафақат тарихчи бакалавр ва магистр талабалар учун, балки сув хўжалиги ва гидромелиорация факультети талабалари ҳамда суғориш тарихи билан қизиқувчи тадқиқотчилар учун зарурий монография сифатида аҳамиятга моликдир.

Маълумки, совет ҳокимияти йиллари республикадаги аксарият суғориш майдонлари экстенсив тарзда кенгайтирилди. Хусусан, *«XX асрнинг 50-йилларидан совет ҳукумати Ўзбекистондаги ирригация-мелиорация ва механизация ишларини ривожлантиришга, суғориш иншоотларини барпо этишга алоҳида урғу берди. Мустамлакачиликка асосланган бу саъй-ҳаракат ва уринишларнинг бари республикада пахтачиликни юксалтириш, ундан юқорироқ ҳосил олишга қаратилган эди. 60-йилларда қўриқ ва бўз ерларнинг кенг ҳажмда ўзлаштирилиши, коллектор-зовур тизимларининг қурилиши ҳамда дарё сувларининг суғориш учун юқори ҳажмларда олиниши ҳавзалардаги сувнинг сифатини тобора ёмонлаштирди. Бу тадбирларнинг узвий тарзда давом этиши суғориладиган ерларнинг бора-бора истеъмолдан чиқиши, мелиоратив ҳолатининг бузилиб, яроқсиз ҳолатга келиши ва такрорий шўрланишига, ҳосилдорликнинг тобора камайишига олиб келди»* (11-бет) ва бу жараёнлар экологик хавф-хатарларга сабаб бўлди.

Таъкидлаш ўринлики, мустабид совет ҳукуматининг аграр сиёсати мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги суғориш тизими, айниқса, XX асрнинг 70-80-йилларидан янада жадаллаштирилди. Республикада пахтачилик соҳасини тараққий эттириш мақсадида суғориладиган ерлар ҳажми йилдан-йилга орттириб борилди, асарнинг *«Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда ирригация-мелиорация, янги ерларни ўзлаштириш соҳасидаги сиёсати ва унинг оқибатлари» деб номланган бўлимида* муаллиф *«Етти йилликда (1959-1965 йй.) суғориладиган ерларнинг истеъмолга киритилиши 381,8 минг га ни ташкил қилиб, унинг йиллар бўйича тақсимоти қуйидагича: 1959 йилда 27,0 минг га, 1960 йилда 42,0 минг га, 1961 йилда 40,0 минг га, 1962 йилда 74,0 минг*

*га, 1963 йилда 80,0 минг га, 1964 йилда 56,0 минг га, 1965 йилда 62,8 минг га»* (83-бет) ортганлигини таъкидлайди.

Айтиш мумкинки, суғориш тизими совет даврида тўла маънода пахта яккаҳокимлигига бўйсундирилди. Шу билан бирга, ўзлаштирилган янги ерларда пахтакор туман ва давлат хўжаликлари ташкил қилиниб, пахта майдонлари ҳаддан зиёд кенгайтирилди. Бу эса ўз навбатида республикада пахта ҳосилдорлигини орттириш билан бирга пахта яккаҳокимлигининг аввалги даврларга қараганда кучайишига олиб келди.

Монографияда суғориш тизими тарихи, тармоқнинг ҳолати, ундаги ютуқ, муаммо ва зиддиятлар замонавий концептуал ёндашув асосида бирламчи манбалар, оғзаки тарих материаллари (малакали ўзбек муҳандис-гидротехникларининг Сурия, Афғонистон, Мозамбик давлатларидаги фаолияти бўйича), илмий адабиётлар (хориж адабиётлари), интернет материаллари, даврий матбуот нашрлари кўмагида атрофлича таҳлил қилинган. Кенг ҳажмдаги архив ва оғзаки тарих материаллари тадқиқот ишида илк бор илмий истеъмолга киритилган.

Монография билан танишган китобхонлар оммаси суғориш иншоотларининг замонавий ҳолати, жойлашуви ҳақида атрофлича маълумотга эга бўладиларки, бу муаллифнинг кенг ҳажмдаги манбалар билан яқиндан танишганидан ва ирригация тарихини яхши англаганидан ҳам далолат беради. Шу билан бирга, ишда тадқиқотчи томонидан *«XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб Орол денгизининг сатҳи 13,8 м пасайиб кетди, сув ҳажми 390 млн м³, майдони 40 минг м² камайди»* (275-бет) дея, Орол денгизи сатҳининг қисқариб бориши, фожиаси ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари атрофлича ёритилган.

*Ўктамжон Убайдуллаев,*
*тарих фанлари номзоди, доцент*